

Ҳаж ибодати турлари



Ҳаж ибодати турлари

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф

09:00 / 12 июнь 8030

Ҳаж ва умрага оид ибодатлар шаръий истилоҳда «нусук» дейилади. Бу ибодатлар уч турга – ифрод, таматтуъ ва қиронга бўлинади. Уларда адо этиладиган амаллар эҳром, тавоф, саъй, Арафотда туриш, Муздалифада тунаш, Минода бўлиш, тош отишлардан иборат.

ИФРОД

Ифрод – ҳажнинг биринчи тури бўлиб, у ҳажнинг ўзинигина қилишдан иборат.

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ифрод ҳаж қилдилар».

Муслим, Абу Довуд, Термизий, Насоий ривоят қилишган.

Имом Муслимнинг лафзида: «У зот ифрод ҳажга талбия айтдилар», дейилган.

Яна Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Видолашув ҳажи йили Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга чиқдик. Биздан кимдир умрани, кимдир ҳаж ва умрани,

кимдир ҳажни ният қилган эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳажни ният қилган эдилар. Аммо ким ҳажни ният қилган бўлса ёки ҳаж билан умрани жамлаган бўлса, то қурбонлик куни бўлмагунча эҳромдан чиқмади».

Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Насоий ривоят қилишган.

Жобирнинг ривоятида: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ва у зотнинг саҳобалари ифрод ҳажни ният қилдилар», дейилган.

ТАМАТТУЪ

«Таматтуъ» сўзи арабча бўлиб, «фойдаланиш», «маза», «ҳузур қилиш» маъноларини англатишини биласиз. Аввал умрани адо этиб, ҳаж вақтигача эҳром ҳаром қилган нарсалардан ҳузур қилиб юриб, вақти келганда яна эҳромга кириб, ҳажни ният қилган одам «таматтуъ ҳаж қилган киши» дейилади. Ҳанафий мазҳаби уламоларининг айтишларича, таматтуъ ҳаж ифрод ҳаждан улуғ бўлади. Таматтуъ ҳажи ҳаж ойларида ташқаридан келиб ҳаж қиладиганларга жоиз, Маккада яшовчиларга ҳамда Маккага ҳаж ойларида аввал келиб, ҳаж мавсумини кутиб турганларга жоиз эмас.

Таматтуъ ҳаж қилувчининг ифрод ҳаж қилувчидан асосий фарқлари қуйидагича:

У эҳромга кираётганида умранигина ният қилади. Яъни:

«Аллоҳумма инни урийдул ъумрата фа йас-сирҳа лии ва тақоббалҳа минни», дейди.

Маъноси: *«Аллоҳим, мен умрани ирода қиляпман, уни менга осон айлагин ва мендан қабул этгин».*

Сўнгра «лаббайка» айтиб боради. Маккаи мукаррамага кириб, умра тавофини қилади. Биринчи бор Каъбани кўрган заҳоти «лаббайка» айтишни тўхтатади.

Сафо ва Марва орасида саъй қилиб бўлгач, сочини олдириб ёки қисқартириб, эҳромдан чиқади. Сўнг ҳаж вақти келишини кутиб, бошқа ибодатлар билан машғул бўлади.

Зулҳижжа ойининг саккизинчи куни Ҳарамда (яъни, Макка шаҳри атрофидаги маълум ҳарамлик чегарасидан чиқмай) икки ракат намоз ўқиб, эҳромга киради. Эҳромга кириш чоғида:

«Аллоҳумма инни урийдул ҳажжа файассирҳу лии ва тақоббалҳу минни», деб ният қилади.

Маъноси: «Аллоҳим, мен ҳажни ирода қиляпман, уни менга осон қил ва қабул айлагин».

Сўнгра Байтуллоҳни тавоф қилиб, Сафо ва Марва ўртасида саъй қилиб олса яхши бўлади, кейин тиқилинч вақтда қийналиб юрмайди.

Сўнгра ифрод ҳаж қилган кишидек амалларни қилади. Ҳайит куни тош отгандан кейин жонлиқни сўяди. Кейин сочини олдириб ёки қисқартириб, ифоза тавофини қилади. Агар ҳаж учун эҳром боғлагандан сўнг тавоф ва саъй қилмаган бўлса, ифоза тавофидан кейин Сафо ва Марва ўртасида саъй ҳам қилади.

Таматтуъни ният қилган одам ўзига вожиб бўлган жонлиқни сўйишга қодир бўлмаса, ўрнига рўза тутади. Бу рўзанинг умумий миқдори ўн кун. Шундан уч куни Арафадан аввал тутилиши шарт. Энг яхшиси Арафа куни ва ундан аввалги икки кун рўза тутишдир. Арафотда чарчаб қолмай деса, бир кун илгари тутсин. Қолган етти кунни ҳаждан кейин ўз юртида тутади.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«У кишидан таматтуъ ҳажи ҳақида сўралганда шундай деган: «Видолашув ҳажидида муҳожирлар, ансорлар ва Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг жуфти ҳалоллари эҳром боғлашди, биз ҳам эҳром боғладик. Маккага етиб келганимизда, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ҳажга боғлаган эҳромингизни умрага айлантинг. Ким ҳадийга илги осган бўлса, бундан мустасно»**, дедилар. Байтни, Сафо ва Марвани тавоф қилдик, аёлларга яқинлик қилдик, (одатдаги) кийимларни кийдик. У зот: **«Ким ҳадийга илги осган бўлса, ҳадий ўз жойига етмагунича унга** (эҳром тақиқлаган нарсалар) **ҳалол бўлмайди»**, дедилар. Сўнг тарвия кечаси бизни ҳаж учун эҳром боғлашга буюрдилар. Ҳаж амалларидан фориф бўлганимизда Байтни, Сафо ва Марвани тавоф қилдик ва ҳажимиз тугал бўлди. Аллоҳ таоло: **«...унга муяссар бўлган ҳадий (вожиб). Ким топа олмаса, уч кун ҳажда, етти кун қайтганингизда...»**, (яъни) ўз шаҳарларингизга, деганидек, зиммамизда ҳадий бор эди. Бир қўй кифоя эди. Улар бир йилда икки ибодатни – ҳаж ва умрани жам қилишди, чунки Аллоҳ таоло буни Ўз Китобида нозил қилди, Набийси соллаллоҳу алайҳи васаллам суннат қилди, Макка аҳлидан бошқа одамларга эса уни мубоҳ қилди. Аллоҳ таоло айтади: **«Бу аҳли оиласи Масжидул Ҳаромда**

яшамайдиганлар учундир».

Бухорий, Муслим, Абу Довуд ривоят қилишган.

Абу Жамра Зубаъий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Таматтуъ қилдим. Одамлар мени бундан қайтаришди. Ибн Аббосдан сўрадим. У менга буни қилишни буюрди. Сўнгра Байт томонга бориб ухладим. Тушимда биров келиб: «Умра мақбул, ҳаж мабрур!» деди. Ибн Аббоснинг олдига бориб, кўрган нарсам ҳақида хабар бердим. Шунда у: «Аллоҳу акбар! Аллоҳу акбар! Абул Қосим соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннати!» деди».

Муслим ва Бухорий ривоят қилган.

Имом Бухорий: «Менга Ибн Аббос: «Ҳузуримда тур. Сенга молимдан улуш қилиб қўяман», деди. «Нима учун?» дедим. «Кўрган тушинг учун», деди» жумласини зиёда қилган.

Имрон ибн Ҳусойн розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Таматтуъ ояти Аллоҳнинг китобида нозил бўлди. Биз унга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга амал қилдик. Уни Қуръон ояти ҳаром қилгани йўқ. У зот ҳам ундан то вафот этгунларича қайтармадилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

ҚИРОН

Қирон – ҳажнинг учинчи тури бўлиб, ҳаж ойларида ҳаж ва умрани ният қилиб, эҳромга киришдир. «Қирон» сўзи «яқинлик», «қўшилиш» маъноларини англатади. Умра билан яқинлаштириб, бир-бирига қўшиб қилинган ҳаж «қирон ҳажи» дейилади. Қирон ҳажининг ифрод ҳажидан фарқи шуки, эҳромга киришда ниятни:

«Аллоҳумма инни урийдул ъумрата вал ҳажжа ва йассирҳума лии ва тақоббалҳума минни», дейди.

Маъноси: «Аллоҳим, мен умра ва ҳажни ирода қиляпман, уларни менга осон қилгин ва мендан қабул айлагин».

Кейин шу ниятда «лаббайка» айтади. Маккаи мукаррамага етиб келгач, умра учун тавофни адо этади, Сафо ва Марва ўртасида саъй қилади. Аммо сочини олдирмайди ҳам, қисқартирмайди ҳам. Эҳромдан чиқмайди. Чунки

унда ҳали ҳажнинг ҳам нияти бор.

Кейин ҳаж учун яна бир тавоф қилади ва саъй адо этади. Бошқа амаллар ифрод ҳажникига ўхшаб кетади. Ҳайит кунига келиб, тош отишдан сўнг қурбонлик қилиши вожиб. Жонлиқ сўяётганда «Қирон учун» деб ёки «Дами шукр» деб ният қилади. Ундан сўнг сочини олдиради ёки қисқартиради. Ушбу тартиб зарурийдир.

Ифоза тавофи қилганидан кейин, аввал ҳаж учун саъй қилмаган бўлса, саъйни адо этади.

Қурбонлик сўйишга имкони бўлмаса, таматтуъ ҳажини қилувчига ўхшаб, ўша тартибда ўн кун рўза тутиб беради.

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан Мадинадалигимизда пешинни тўрт ракат ўқидилар ва асрни Зулҳулайфада икки ракат ўқидилар. Кейин у ерда тонг отгунча тунадилар. Сўнг уловга миндилар. (Улов) у зотни кўтариб, Байдога олиб чиққанида Аллоҳга ҳамд айтдилар, тасбеҳ ва такбир айтдилар. Сўнгра ҳаж ва умра учун талбия айтдилар. Одамлар ҳам иккиси учун (ҳаж ва умра учун) талбия айтишди. (Маккага) кириб келганимизда одамларга буюрдилар, улар эҳромдан чиқишди. Тарвия куни келгач, ҳаж учун эҳромга киришди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам туяларни тик ҳолида ўз қўллари билан сўйдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Мадинада иккита ола қўчқор сўйганлар».

Бухорий, Абу Довуд ва Аҳмад ривоят қилишган.

Яна Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳаж ва умрани жамлаб талбия айтаётганларини эшитдим. У зот: «Лаббайка умротан ва ҳажжа», дер эдилар».

Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Термизий ривоят қилишган.

Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Ақийқ водийсида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Бу кеча ҳузуримга Роббимдан бир келувчи келди. У ушбу муборак

водийда намоз ўқи ва «умротан фи и ҳажжати» дегин, деб айтди», дедилар».

Бухорий, Абу Довуд ва Аҳмад ривоят қилишган.

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Кимнинг ўзи билан атаган қурбонлиги бўлса, ҳаж ва умрани ният қилсин. Сўнгра иккисидан бирданига эҳромдан чиқмагунча эҳромдан чиқмай юради», дедилар».

Бухорий, Муслим, Абу Довуд ривоят қилишган.

Муторриф розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Имрон ибн Ҳусойн менга: «Мен сенга бир ҳадис айтиб бераман, шояд Аллоҳ сенга шу туфайли манфаат берса. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳаж билан умрани жамладилар. Сўнгра ундан то вафот этгунларича қайтармадилар. Уни ҳаром қиладиган Қуръон (ояти) ҳам нозил бўлмади. Менга (фаришталар тамонидан) салом берилиб турар эди. Бу ҳолат то куйдириб даволанганимча давом этди. Кейин мен тарк қилдим. Сўнгра куйдириб даволашни тарк қилган эдим, у ҳам (салом) қайтди».

Муслим ривоят қилган.

Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳаж ва умрани жамлаб қирон қилдилар. Иккиси учун бир тавоф қилдилар».

Термизий ривоят қилган.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф

(Мўминнинг умр сафари китобидан)